

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD**  
**04/30.12.2019.Тиб.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ**  
**БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАМДАМОВА МУХАЙЁХОН ТУХТАСИНОВНА**

**ТУРЛИ КОНТРАЦЕВТИВ ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАЙДИГАН**  
**АЁЛЛАР БАЧАДОН ВА ТУХУМДОНЛАРНИНГ УЛЬТРАТОВУШ**  
**АНАТОМИЯСИ ҚИЁСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**  
**14.00.01-Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Хамдамова Мухайёхон Тухтасиновна**

Турли контрацевтив воситаларни кўллайдиган аёллар бачадон ва тухумдонларнинг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятлари ..... 5

**Хамдамова Мухайёхон Тухтасиновна**

Сравнительная характеристика ультразвуковой анатомии матки и яичников при использовании различных средств контрацепции ..... 29

**Хамдамова Мухайёхон Тухтасиновна**

Comparative characteristics of ultrasound anatomy of the uterus and ovaries when using various contraceptives ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 56

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD**  
**04/30.12.2019.Тиб.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ**  
**БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАМДАМОВА МУХАЙЁХОН ТУХТАСИНОВНА**

**ТУРЛИ КОНТРАЦЕВТИВ ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАЙДИГАН**  
**АЁЛЛАР БАЧАДОН ВА ТУХУМДОНЛАРНИНГ УЛЬТРАТОВУШ**  
**АНАТОМИЯСИ ҚИЁСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**  
**14.00.01-Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

Докторлик диссертация (DSc) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Tib479 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz) веб-саҳифаси ҳамда [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзили бўйича «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига жойлаштирилган.

**Илмий консультантлар**

**Тешаев Шухрат Жумаевич,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Ихтиярова Гулчехра Акмаловна**

**Расмий оппонентлар**

тиббиёт фанлари доктори  
**Доброхотова Юля Эдуардовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Миршарапов Уткур Миршарапович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расулов Хамидулла Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот**

Жанубий Қозоғистон Тиббиёт Академияси  
(Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc/PhD 04/30.12.2019 Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «28» 12 соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118 Бухоро ш., А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50, 223-17-53; e-mail: [bsmi\\_2016@mail.ru](mailto:bsmi_2016@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Манзил: 200118 Бухоро ш., А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «14» 12 даги 31 рақамли тарқатма баённомаси реестри).



*[Handwritten signature]*

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

*[Handwritten signature]*

**Д.Н.Ачилова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

*[Handwritten signature]*

**Н.А. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш консидаги семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертациясининг (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда аёллар саломатлигининг муҳофазаси дунё миқёсидаги долзарб муаммо ҳисобланади. Ҳозирги кунда ультратовушли тадқиқотлар нафақат техника соҳасида, балким тиббиётнинг турли соҳаларида, шу жумладан гинекология амалиётида ҳам чаноқ аъзоларининг сканограммаларини олиш учун ҳам қўлланилмоқда. Репродутив ёшдаги аёллар ички жинсий аъзоларининг касалликларини аниқ ташхислашда янги йўналишларнинг ривожланиши билан турли контрацептив воситалардан фойдаланадиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг ўлчамлари, шакли тўғрисида ультратовуш морфометрияси маълумотларини батафсил ўрганиш зарурияти пайдо бўлди. Гинекология амалиётида «...визуализациянинг бирламчи усуллари трансабдоминал ва трансвагинал ультратовуш бўлиб, қўшимча усуллар эса: икки ўлчамли ультратовуш, гистеросалпингография, магнит-резонанс томография, рентген компьютер томографияси ҳисобланади...»<sup>1</sup>. Аёлларда менструал цикл фазасига боғлиқ равишда бачадон ўлчамларининг ифодали ўзгариши белгиланади, бачадон секретор фазанинг бошида энг кичик ўлчамга, бевосита менструациядан олдин эса энг катта ўлчамга эга бўлиши аниқланиб, бошқа томондан эса менструал цикл фазаларига боғлиқ равишда бачадонда катта ўзгаришлар бўлмаслиги аниқланган. Бироқ «...бачадон ўлчамларининг фақат климактерик давр циклида лютеин фазада ортишини ва менопауза содир бўлиши билан бачадон кичрайиши аниқланган...»<sup>2</sup>.

Жаҳонда турли контрацептив воситаларни қўллайдиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятларни ташхислашни такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги турли шаклдаги контрацептив воситаларни қўллайдиган аёлларда тана тузилишини инобатга олган ҳолда чаноқ параметрларини инобатга олишни асослашдан иборат. Биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги аёлларда уларнинг тана тузилишларини эътиборга олган ҳолда бачадон, тухумдонларнинг морфометрик параметрларини ҳамда бўйлама ва кўндаланг ультратовушли сканерлаш ёрдамида соф прогестинли инъекцион контрацептивдан фойдаланадиган, биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги аёлларда бачадон, ҳамда тухумдонларнинг морфометрик кўрсаткичларни баҳолашдан иборат. Бачадон ичи контрацептив воситалардан фойдаланадиган, биринчи ва иккинчи етук ёшидаги аёлларда бачадон ва тухумдон ўлчамларининг ўзига хосликларини баҳолашни ва самарали ташхислаш тизимини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аёллар орасида турли касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг

<sup>1</sup> Roach M. C. et al., 2017; Pinkerton J. Vs., 2020

<sup>2</sup> Ulgim R. R. et al., 2018; Rautzong M. et al., 2019

самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар турли контрацептив воситаларни қўллайдиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятларни ташхислаш замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик ривожланишининг хавф омилларининг асоратлари натижасида юзга келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация тақдими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «2021-2025 йилларда репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Турли контрацептив воситаларни қўллайдиган биринчи ва иккинчи етук ёшдаги аёллар бачадон ва тухумдонларининг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятларни ташхислаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of California, Northeast Ohio Medical University, University of Campbell, Michigan State University (АҚШ), University of Edinburgh, University of New England (Буюк Британия), Monash University

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu); [www.neomed.edu](http://www.neomed.edu); [www.campbell.edu](http://www.campbell.edu); [www.monash.edu](http://www.monash.edu); [www.msu.edu](http://www.msu.edu); [www.um6p.ma](http://www.um6p.ma); [www.cuni.cz](http://www.cuni.cz); [www.ed.ac.uk](http://www.ed.ac.uk); [www.istanbul.edu.tr](http://www.istanbul.edu.tr); [www.une.edu.au](http://www.une.edu.au); [www.uj.edu.pl](http://www.uj.edu.pl); [www.childrensnational.org](http://www.childrensnational.org); [www.cm-uj.krakow.pl](http://www.cm-uj.krakow.pl); [www.ksu.edu.sa](http://www.ksu.edu.sa); [www.uwa.edu.au](http://www.uwa.edu.au); [www.gandhihospital.in](http://www.gandhihospital.in); [www.inje.ac.kr](http://www.inje.ac.kr); [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk); [www.midwestern.edu](http://www.midwestern.edu); [www.ukm.my](http://www.ukm.my); [www.sdu.edu.tr](http://www.sdu.edu.tr); [www.ub.edu](http://www.ub.edu); [www.uos.ac.kr](http://www.uos.ac.kr); [www.korea.edu](http://www.korea.edu); [www.yonsei.ac.kr](http://www.yonsei.ac.kr); [www.university.sunway.edu.my](http://www.university.sunway.edu.my); [www.ucsf.edu](http://www.ucsf.edu); [www.ubc.ca](http://www.ubc.ca); [www.karolinska.se](http://www.karolinska.se); [www.hsc.unm.edu](http://www.hsc.unm.edu); [www.unife.it](http://www.unife.it); [www.si.mahidol.ac.th](http://www.si.mahidol.ac.th); [www.uog.edu.et](http://www.uog.edu.et); [globalhealth.duke.edu](http://globalhealth.duke.edu); [www.ucl.ac.uk](http://www.ucl.ac.uk); [www.washington.edu](http://www.washington.edu); [www.ucms.ac.in](http://www.ucms.ac.in); [www.uab.cat](http://www.uab.cat); [www.umontpellier.fr](http://www.umontpellier.fr); [twin-cities.umn.edu](http://twin-cities.umn.edu); [www.uchile.cl](http://www.uchile.cl); [en.uniroma1.it](http://en.uniroma1.it); [www.ufmg.br](http://www.ufmg.br); [www.upb.edu.co](http://www.upb.edu.co) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилди.

(Австралия), Université Mohammed VI Polytechnique (Марокаш), Charles University in Prague (Чехия), Istanbul University (Туркия), Jagiellonian University (Польша); University of Milan (Италия), Universitat de València (Испания), University of Turku (Финляндия), Ghent University (Бельгия), Imperial College London (Буюк Британия), University of Edinburgh (Англия), University of Pavia (Италия), University of Murcia (Испания), Pukong National University (Корея), Punjab Agricultural University (Ҳиндистон), Россия Фанлар Академияси, Байкал миллий университетида (Россия Федерацияси), Бухоро давлат тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда турли контрацептив воситаларни қўллайдиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятларни ташхислаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор илмий-амалий натижалар олинган: жумладан, уrogenитал трактда ҳомила ривожланишнинг макроскопик кўрсаткичлар асосида жинсий ривожланиши ва ҳомиланинг жинслардаги фарқли белгиларни исботланган (University of California, АҚШ); аёллар жинсий органларнинг анатомик хусусиятлари, қорин бўшлиғи, тос суяги ва аёллар ташқи генитал соҳасининг анатомик хусусиятлари очиқ берилган (Northeast Ohio Medical University, АҚШ); кичик тос соҳасида эндометриозни сонографик баҳолашда рутин ультратовуш ташхисотининг ўрни ва аҳамияти исботланган (Monash University, Австралия); қатор пестицидларнинг пахтачилик ва қишлоқ хўжалигида ишлатилиши натижасида аёлларда ҳомиладорлик жараёнига таъсирида туғма қарлик ривожланиши исботланган (University of California, АҚШ); бирламчи аменорея ва циклик тос оғриғи, қиннинг атрезияси натижасида қиз-ўсмирлардаги туғма касаллиги Синдром Зимба исботланган (Université Mohammed VI Polytechnique, Марокаш) ҳамда турли контрацептив воситаларни қўллайдиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятларни ташхислаш ва даволаш амалиёти жорий қилинган (Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Дунёда турли контрацептив воситаларни қўллайдиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: аралаш орал контрацептив таблеткалардан фойдаланадиган, биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги аёлларда бачадон ва тухумдонларнинг ультратовушли анатомиясининг морфометрик кўрсаткичларини асослаш; турли шаклдаги контрацептив воситалардан фойдаланиш давомийлигида, климактерик ёшдаги аёлларда бачадон ва тухумдонлар морфометриясининг ўзгарувчанлик даражаси, эндометрий морфологияси, чаноқ веналаридаги ўзгаришларни баҳолашни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аёллар жинсий аъзоларини текширишнинг кенг тарқалган усулларида бири бачадон ва тухумдонларнинг ҳолати, шакли, ўлчамларининг ўзига хосликлари, шунингдек аномалиялари, ривожланишдаги нуқсонлари ва касалликларини аниқлаш имконини берувчи ультратовушли сканерлаш усули ҳисобланади (Гажонова В. Е. ва ҳаммуал.,

2012; Демакова Н. А. ва ҳаммуал., 2014; Демакова Н. А., 2016; Veronica A. et al., 2016; Armstrong Sarah, K. et al., 2017; Auerbach B. et al., 2018; Asensio Romero L. et al., 2019). Бироқ манбаларда мавжуд бўлган таҳлилларда аёллар репродуктив аъзоларида ультратовушли морфометрия бўйича берилган маълумотлар, одатда, уларда у ёки бошқа касалликлар мавжудлигини текшириш билан бирга олинган натижаларнинг статистик ишончлилиги учун кузатувларнинг етарли сонига асосланмаган, бироқ ўрта характерга эга, вариация-статистика йўли билан қайта ишланмаган ва индивидуал-типологик ва ёш бўйича ўзгаришлар, тухумдонлар учун эса – аёлларда билатерал фарқлар, этно-худудий ва тузилишидаги ўзига хосликлар ҳисобга олинмасдан ўтказилган (Kraima A. et al., 2015; Ahuja M. et al. 2016; Allais G. et al., 2017). Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотлар натижалари жуда зиддиятлидир, бачадон ва тухумдонларнинг вариантли анатомияси турли контрацептив воситалардан фойдаланадиган аёлларда, чанокнинг ўлчами ва шакллари билан ўзгарувчанлиги билан комплекда кўриб чиқилмаган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда аёлларда контрацептив воситаларнинг қўллашнинг самарадорлигининг клиник протоколларда ўрни ва аҳамияти баҳоланган (Каттаходжаева М.Х., 2015; Зуфарова Ш.А., 2018); цервикал интраэпителиал неоплазияли беморларда эндометрий гиперплазиясини ташхислашда апоптознинг аҳамияти кўрсатилган (Юлдашева Д.Ю., 2018); қўшма нур терапиясидан кейин бачадон бўйни саратонини қайталанишига таъсир этувчи омиллар баҳоланган (Мансурова Г.Б., 2020), бироқ, репродуктив ёшдаги турли контрацептив воситаларни қўллайдиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятларни ташхислаш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Юқорида айтиб ўтилган далиллар, биз фан ва амалиётда муҳокама этилаётган бу муаммоларнинг долзарблиги, ушбу саволларнинг замонавий адабиётларда етарли ёритилмаганлиги тадқиқот мавзусини, унинг усуллари ва текшириладиган аёллар контингентини танлашга туртки берди, оналар ва болалар ўлимини камайтириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш аҳамияти бўйича тадқиқот ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 02.2018.DSc.003 «Бухоро минтақасида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли контрацептив воситаларини қўллайдиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг морфометрик параметрларини индивидуал-типологик ўзгаришларининг ўзига хосликлари ҳамда чанок ва антропометрик кўрсаткичлари билан боғлиқлигини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги турли шаклдаги контрацептив воситаларни қўллайдиган аёлларда тана тузилишини эътиборга олган ҳолда, чаноқ параметрларини баҳолаш.

биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги аёлларда уларнинг тана тузилишларини эътиборга олган ҳолда бачадон ва тухумдонларнинг морфометрияси параметрларини баҳолаш;

бўйлама ва кўндаланг ультратовушли сканерлаш ёрдамида соф прогестинли инъекцион контрацептивдан фойдаланадиган, биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги аёлларда бачадон ва тухумдонларнинг морфометриясини баҳолаш;

бачадон ичи контрацептив воситалардан фойдаланадиган, биринчи ва иккинчи етук ёшидаги аёлларда бачадон ва тухумдон ўлчамларининг ўзига хосликларини баҳолаш;

аралаш орал контрацептив таблеткалардан фойдаланадиган, биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги аёлларда бачадон ва тухумдонларнинг ультратовушли анатомиясининг морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

турли шаклдаги контрацептив воситалардан фойдаланиш давомийлигида, климактерик ёшдаги аёлларда бачадон ва тухумдонлар морфометриясининг ўзгарувчанлик даражаси, эндометрий морфологияси, чаноқ веналаридаги ўзгаришларни баҳолаш;

гормонал контрацептивларни қўллайдиган биринчи ва иккинчи етук ёшдаги аёлларда саратон олди касалликларини эрта ташхис қўйиш учун патогенетик асосланган алгоритмни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида аралаш орал, инъекцион ва мис таркибли бачадон ичи контрацептив воситаларни қўллайдиган, биринчи, иккинчи етук ёш давридаги 480 нафар ва 40 нафар контрацептив воситаларидан фойдаланмайдиган аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги аёллар бачадон ва тухумдонлари уч ўлчамли ультратовуш анатомияси, бўй баландлигини, тана ҳажмини ва кўкрак қафаси айланма ўлчами, чаноқни ўлчаш, веноз қон намуналари ва климактерик ёшдаги аёлларнинг қон зардобидида гормон миқдорини баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, инструментал, морфологик, морфометрик, биокимёвий, нурли, катамнестик ва статистик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат.

илк бор турли хилдаги аралаш орал таблетка, соф прогестин таркибли инъекцион ва мис таркибли бачадон ичи контрацептив воситаларни қўллайдиган, биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги аёлларда бачадон ва тухумдонларнинг морфометрияси, ҳамда чаноқ веналарининг комплекс уч ўлчамли ультратовушли тадқиқоти асослаган;

илк бор бачадон ва тухумдонларнинг шаклини аниқлашга мавжуд таъриф берувчи ёндашувдан фарқли равишда бачадон ва тухумдоннинг чизиқли ўлчамларининг турли нисбатларини акс эттирувчи, кенглик-узунлик ва

қалинлик-узунлик индекслари катталикларининг даражаси асосида тавсифи учун микдор мезонлари ишлаб чиқилган;

илк бор ўнг ва чап тухумдонларнинг ўлчамлари ва шаклларидаги билатерал фарқлар ва тана тузилишининг турли типларида уларнинг учраш фоизи тўғрисидаги маълумотлар исботланган;

илк бор климактерик ёшдаги аёлларда аралаш орал таблетка ва инъекцион соф прогестерон таркибли контрацептив воситаларини қўллаш давомийлигининг эндометрийга таъсири исботланган;

илк бор чаноқ веналаридаги Р- ва Е-селектинлар концентрациясининг ўзгаришлари гормонал контрацепция қўллаш давомида эндотелийнинг функционал ҳолатини баҳолашда қўшимча ташхисий мезон сифатида фойдаланиш исботланган;

илк бор турли контрацептив воситаларни қўллайдиган, биринчи ва иккинчи етук ёшдаги аёлларда бачадон ва тухумдонларнинг 3D ултратовушли анатомиясини таққослаш учун ахборот базаси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат.

илк бор соғликни сақлаш амалиёти учун бачадон ва тухумдонлар ўлчамлари турли контрацептив воситалар таъсиридаги ўзгаришларининг морфометрик ўлчам стандартлари ишлаб чиқилган;

илк бор индивидуал-типологик конституционал ўзгаришлар акушерлик ва гинекологияда кичик чаноқ аъзоларининг трансабдоминал ва трансвагинал 3D ултратовушли баҳолаш маълумотларининг интерпретацияси асосланган;

тиббий профилактик кўрик жараёнида аёлларнинг бачадон ва тухумдон саратон касалликларини эрта ва аниқ ташхислаш, шунингдек, бачадон ва тухумдонларда ўтказиладиган жарроҳлик амалиётларида операция ҳажмини эътиборга олишда 3D ультратовуш текшируви ёрдамчи усул эканлиги исботланган;

илк бор гормонал контрацепцияни қўллаш давомида биринчи ва иккинчи етук ёшдаги аёлларда саратон касалликларини морфометрик параметрлар асосида ташхис қўйиш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг клиник, инструментал, морфологик, морфометрик, биокимёвий, катамнестик ва статистик усуллар асосида турли контрацептив воситаларни қўллайдиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишни ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти аёлларнинг репродуктив аъзоларининг 3D ультратовушли текширувидан фойдаланиб чуқур тиббий профилактик кўригида аниқ ташхис қўйиш, бачадон ва тухумдонларда саратон касаллигини

олдини олиш, шунингдек натижалардан фундаментал тиббиёт соҳасида ташҳислаш, ҳамда олинган маълумотлар уйғунликда турли контрацептив воситаларни қўллайдиган, турли ёш даврларидаги аёлларда бачадон ва тухумдонларнинг ультратовушли анатомиясини таққослаш учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти бачадон ва тухумдонлар шакли ва ўлчамларининг индивидуал-типологик ўзгаришларини аёлларнинг ёши, тана тузилиши ва фойдаланган контрацептив воситаларга боғлиқлиги даражасини баҳолаш, бу эса бачадон ва тухумдонлардаги онкологик жараёнларнинг шу аъзолар морфометрик параметрларининг ўзгаришларига қараб эрта ташҳислаш, акушерлик ва гинекологияда эса кичик чанок аъзоларининг трансабдоминал ва уч ўлчамли трансвагинал ультратовушли ўрганиш маълумотларининг интерпретациясида ҳам муҳим амалий аҳамияти, тиббий профилактик кўрик жараёнида аёлларнинг репродуктив аъзоларининг 3D ультратовушдан фойдаланиб бачадон ва тухумдонларда саратон касалликларини ривожланиш хавф гуруҳини аниқлашга имкон берганлиги, гормонал контрацептив воситаларни қўллайдиган аёлларда саратон касалликларини морфометрик параметрлар асосида ташҳис қўйиш алгоритмининг амалиётга тадбиғи ҳамда аниқ ташҳислаш самарадорлиги ошганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли контрацептив воситаларни қўллайдиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятларни ташҳислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Замонавий ультратовуш ташҳисоти» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/180-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома биринчи ва иккинчи етук ёшдаги аёллар орасида саратон касаллигини эрта ташҳислашда клиник хусусиятлари морфологик кўрсаткичлар орқали ташҳислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

«Ўрта етук ёшнинг биринчи ва иккинчи давридаги аёлларда бачадон ва ортиқларининг меъёрий ультратовуш мезонлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/180-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома фертил ёшдаги аёллар орасида саратон касаллигига аниқ ташҳис қўйиш орқали касалликнинг хавф омилларини ажратиш ва уларни бартараф қилиш орқали ногиронлик ва ўлимнинг олдини олиш имконини берган;

Турли контрацептив воситалардан фойдаланадиган аёллар бачадон ва тухумдонларининг ультратовуш анатомияси қиёсий хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти перинатал маркази, Самарқанд вилояти кўп тармоқли шифохасининг гинекология бўлими, Хоразм вилояти перинатал маркази, Бухоро вилояти аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш репродуктив маркази, Бухоро шаҳар туғруқхонаси клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 8н-з/189-сон хулосаси). Олинган

илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши оналар ва перинатал ўлимини камайишига олиб келадиган омиллар самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бачадон ва тухумдон морфометрияси ҳамда аёл соматик типларининг этно-ҳудудий хусусиятларининг замонавий тасаввурлари**» деб номланган биринчи бобида деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда морфологик ва ультратовуш текширишлар натижаларига кўра бачадон, тухумдон шакли ҳамда ўлчамларининг ёшга боғлиқ ва индивидуал ўзгарувчанлиги, турли конституционал типлардаги аёлларда антропометрик кўрсаткичларнинг хусусиятлари, аёл чаноғи шакли ҳамда ўлчамларининг ёшга боғлиқ ва индивидуал ўзгарувчанлиги, гинекологияда уч ўлчамли ультратовуш визуализацияси услубининг татбиқ этилиш тарихи, сўнгги йилларда чоп этилган маълумотлар хориж ва мамлакатимизда олиб борилган илмий ишлар таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли воситалардан фойдаланадиган аёллар бачадон ва тухумдонлар ультратовуш анатомиясини қиёслаш материал ва фойдаланилган изланиш усулларининг тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали, белгиланган вазифалар ижросини таъминловчи методологик ёндашув ва усуллар келтирилган. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун биз Бухоро вилоятида туғилган ва доимий яшовчи 520 нафар биринчи ва иккинчи етук ёши давридаги аёллар текширилган, уларнинг 480 нафари турли контрацептив воситаларни

қўллайдиган (мис таркибли бачадон ичи воситалари, аралаш орал ва соф прогестинли инъекция контрацептив) ва бу турдаги контрацепциядан фойдаланмайдиган 40 нафар назорат гуруҳидаги аёлларни (ихтиёрий жарроҳлик стерилизацияси, тўсиқ усуллари) ташкил қилган.

Барча тадқиқот гуруҳларининг вакиллари (асосий ва назорат гуруҳи) ёши, яшаш шароити, ҳомиладорлик ва туғишлар сони, доимий яшаш жойи бўйича репрезентатив бўлган. Тиббий тадқиқотлар учун аёлларни жалб қилиш билан боғлиқ барча этик тамойиллар Жаҳон Тиббиёт Ассоциацияси Хелсинки Декларацияси асосида ўтказилган (Хелсинки, 1964-йил, сўнги қўшимча, Сеул, 2008 йил).

Соматик тури бўйича ажратилишидан ташқари барча аёллар бўй гуруҳларига ажратилган: паст бўйли – 145 дан 160 см гача, ўрта бўйли – 161-170 см ва баланд бўйли – 171 см ва ундан юқори. Менструал циклнинг эрта ва кечки пролифератив фазасида (5-26-кунда) асосий ва назорат гуруҳидаги барча аёлларнинг бачадон ва тухумдонлар жойлашуви, конфигурацияси, шакли, узунлик, кенглик, қалинлик ўлчамлари, ҳажми, бачадон танаси ва бўйни орасидаги бурчакнинг ифодаланганлиги, эндометрий қалинлиги, чанок аъзолари веналари ҳолати, бачадоннинг аркутант, базал, спиралсимон веналар диаметри, эндометрий қалинлиги, ҳажми, шакли фолликуланинг диаметри, ҳамда уларнинг топографик хусусиятлари Ultrasonix Sonix OP аппаратида датчик кўрсаткичи узунлиги 60 мм, частотаси 7-14 МГц, ректовагинал кўрсаткичнинг радиуси 11 мм, ультратовуш трансвагинал узатгичидан фойдаланиб ўрганилган.

Биринчи босқичда умумий қабул қилинган усул бўйича трансвагинал йўл билан 2 D ультратовуш текшируви ўтказилган. Иккинчи босқичда, махсус уч ўлчамли узатгич борлигини эътиборга олиб, ультратовушли аппарат менюсидан фақат ҳажмли тасвир функцияси қўлда танланган ва зарур ахборотнинг тўпланиши автомат тарзда амалга ошган, тадқиқот якунланиб, материалнинг кейинги қайта ишланиши “off-line” режимида, 3D View компьютер дастурий таъминотидан фойдаланиб, беморнинг иштирокисиз бажарилган.

Уч ўлчамли реконструкция бирламчи тўпланган ахборотнинг тўлиқлиги ва сифатига бевосита боғлиқлигини айтиб ўтиш муҳим. Уч ўлчамли тасвирнинг объективлиги танланган техник характеристикалар ва сканерлаш режимининг тўғрилиги билан аниқланади, шунинг учун, уч ўлчамли тасвирни олиш методикаси танлаб олган тадқиқотчининг бир нечта кетма-кет шарт ҳаракатларини ўз ичига олган. Турли сканерлаш режимларини уйғунлаштирилиб ҳар бир нозологик шакл учун оптимал режим аниқланган. Аппарат экранда ҳосил бўладиган тасвир (эхограмма) ультратовушли нурнинг ҳаракат текислигига мос келган. Унинг тана ўқи бўйлаб кўчишини бўйлама, унга перпендикуляр кўчишни эса – кўндаланг сканерлаш деб белгиланган.

Бачадон ва тухумдонлар морфометрияси, бачадоннинг танаси ва бўйни ўртасидаги бурчакнинг ифодаланганлиги аниқланган. Бўйлама сканерлашда тубининг максимал узок нуқтасидан ички ҳалқум соҳасигача бўлган узунлик ўлчанган, бу чизиққа перпендикуляр тарзда олд ва орқа деворларнинг

максимал узоқ нуқталари бўйича қалинлиги ўлчанган. Кўндаланг сканерлашда бачадон кенглиги ва тухумдонлар морфометрияси аниқланган, шунингдек уларнинг жойлашуви ҳамда шаклига эътибор берилган. Чанок, чот ва оёқ веналарининг ултратовушли ангиосканерланиши (УТАС), чанок веналарининг мултиспирал компьютер томографиясини (МСКТ) ўз ичига олувчи нурли тадқиқот методларининг комплексидан фойдаланилган. Тадқиқот ўтказилганида бачадон, параметрал ва гонад веналарида клапан танқислигини ва қон рефлюксини аниқлаш имконини берувчи Валсалва синамасидан фойдаланилди. Кичик чанок веналари варикоз касаллигида эндотелий дисфункцияси ривожланишида эндотелиал хужайралар ва биокимёвий маркерлар (VCAM-1, P- ва E-селектинлар) миқдори аниқланган.

Умумий клиник текширув методларидан ташқари ҳар бир аёл ташрифида қуйидаги соматометрик кўрсаткичлар аниқланган: уларнинг бўйи, вазни, дистанция спинарум, дистанция сристарум, дистанция трохантерика, тос суягининг ташқи тўғри ўлчами, тос суягининг кенглик индекси (ТКИ) ва тана вазнининг индекслари (Брок бўйича ТВИ) ҳисобланган. Идеал вазни аниқлаш учун формула 1871 йилда француз жарроҳи ва антропологи Пол Брок томонидан ишлаб чиқилган. Формула ўрта тана тузилишига эга 155 дан баланд ва 185 сантиметрдан паст инсонлар учун тўғри келади. Бўй тиббий бўй ўлчагич ёрдамида аниқланган (ГОСТ Р 50444-92).

Тадқиқот вазифаларига мувофиқ аралаш орал ва инъекцион контрацептив воситаларини қўллайдиган климактерик ёшдаги барча аёллардан морфологик тадқиқот учун гистероскоп ёрдамида қириш йўли билан эндометрий бўлақлари олинган. Бачадон бўшлиғидан биопсия тадқиқотига жўнатиш материал макроскопик таърифланган, зарурат бўлганида бўлақлар олиниб, бир сутка 10-15% формалинга қўйилган, кейин бу бўлақлар бир неча соат давомида оқава сувда ювилган. Кейин хлороформ қўшилган парафиндан ташкил топган “бўтқага” қўйилган. 1-2 соатга 37<sup>0</sup> С ли термостатга қўйилган, кейин 1 соатга шимиши учун 57<sup>0</sup> С ли термостатга қўйилган. Фақат бир соатдан кейин совиш, қотишига йўл қўйилган ва шундан сўнг парафин блок кесиш олинган. Блок ёғоч кубикка маҳкамланган ва микротомда ингичка қатлам кўринишида кесилган. Шишаларни кесиш учун олдиндан тайёрлайган, оқсил сурилган, шишаларга маҳкамланган ва гематоксилин ва эозинда бўялган. Бўягандан сўнг балзам билан белгилаб, қоплағич ойна билан қопланган. Тайёр препаратлар Германияда ишлаб чиқарилган Лейка бинокуляр микроскопида кузатилиб, HL35 веб камерасида суратга олинган.

Аралаш орал ва инъекцион контрацептив воситаларидан фойдаланадиган климактерик ёшдаги аёлларга Promis Medical (Australia) ишлаб чиқарилган Digital Video Colposcope 1293 аппарати ёрдамида оддий ва кенгайтирилган кольпоскопия, Папаниколау усули бўйича цитологик текширув учун суртма олинган ва гистероскопия, усулини қўллаган ҳолда комплекс текширишлар амалга оширилган. Бачадон бўйни, қин ва вульванинг ҳолатини кўриш ва ревезияси бўлиб, бунда бачадон бўйни эпителиал қавати микроскоп остида 15 марта катталаштириб кўрилган. Кольпоскопия Promis Medical (Australia) ишлаб чиқарилган Digital Video Colposcope 1293 аппарати орқали кўрилган,

бунда эпителиал қават ҳолати 15 марта катталаштирилган ҳолатда бажарилган. Кенгайтирилган кольпоскопия умумий қабул қилинган усул бўйича ўтказилган: бачадон бўйни шиллиқ қаввати аввалига ишлов берилмасдан, 2% люголь (Шиллер синамаси)нинг сувли эритмаси ёрдамида текширилган.


Цитологик тадқиқот учун материал цервикал канал, ўтиш зонаси ва эндроцервиксинг устки қисмидан олинган. Тайёрланган суртмалар Николфоров (1:1 нисбатдаги спирт ва эфир) аралашмасига 20 дақиқа ёрдамида қотирилган. Препаратларга Папаниколау услуби асосида бўёқ берилган: гемотоксиллин бўёғи, фосфорли вольфрам кислотаси ва сабзиранг, кейин яшил, жигар ранг эозин билан бўялган.

Цитологик тадқиқотнинг натижаларини баҳолаш учун Папаниколау таснифидан фойдаланилган. Натижа қуйидагича баҳоланган: 1-синф учун нормал хужайра асосли цитограмма, 2-синф учун морфологик ўзгарган эпителиал хужайралар хос бўлиб, унда ядронинг катталашган ҳолатида ёки метаплазиялашган эпителий хужайраларнинг пайдо бўлиши намоён бўлади, 3-синфда яққол морфологик ўзгарган ядроларнинг пайдо бўлиши дискариноз кузатилади, 4-синф атипик хужайраларнинг пайдо бўлиши билан тасвирланган, 5-синф саратон касаллигининг мусбат баҳоланиши сифатида тақсимланади. Бачадон бўйни биоптатлари морфологик тадқиқотлари патоморфология лабораториясида ўтказилган.

Барча олинган морфометрик маълумотлар Windows-XP соҳасида «Microsoft Word Excel 2010» ва «Статистика 6.0» амалий дастурларининг пакетидан фойдаланиб, вариацияли-статистик қайта ишланган. Тадқиқот натижасида олинган микдор маълумотлари тавсияларга биноан статистиканинг параметрик усуллари қўллаш йўли билан таҳлил қилинган. Танловларнинг бирламчи таҳлили нормал тақсимланиш уйғунлигига тегишли эканлигини белгилаш имконини берган, шу сабабдан уларда кейинчалик ўртача катталиқ ( $\bar{X}$ ), ўрта квадратик хатолик ( $\sigma$ ), минимал ( $\min$ ) ва максимал ( $\max$ ), вариацияли қаторлар ўртасида корреляция коэффициенти ( $r$ ) ҳисобланган. Танловнинг нормал тақсимланиши билан гуруҳ катталиклари ўртасида олинган фарқларнинг ишончлилиги Стюдент ( $p$ ) тақсимланиши бўйича хато эҳтимоли ҳисоблаб аниқланган. Минимал йўл қўйиладиган қиймат сифатида  $p < 0,05$  аҳамият даражаси олинган. Клиник ва функционал тадқиқотларнинг натижаларини, олинган маълумотларни статистик ишловдан ўтказиш ва тизимга солиш компьютерда Windows Vista учун Microsoft Excel дастурлар мажмуидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

**Диссертациянинг «Фертил ёшдаги аёлларда соматотипларнинг конституционал хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида аёлларда соматотипларнинг конституционал ўзига хосликлари ёки бошқа тузилишга тегишлиликни батафсил ўрганниланган. Аралаш орал таблеткалар, соф прогестинли инъекцион ва мис таркибли бачадон ичи воситаларини қўллайдиган ва назорат гуруҳидаги 21-55 ёшдаги аёлларнинг, ҳудудий тегишлилигини эътиборга олган ҳолда тана тузилишида конституционал ўзларишлари устида ўтказган тадқиқот мезопластик тузилиш вакиллари энг

кўп учрашини кўрсатган (57,7%): эурипластик узун лептосом тузилишга эга аёллар текширилган аёлларнинг умумий сонидан 11,5%ни; стенопластик 10,2%ни, пикник –9,2%ни, субатлетик –7,4%ни, атлетик –4,7%ни, эурипластик паст –3,8%ни ташкил қилган, 5,4% аёллар келтирилган тузилишнинг биронта турига тегишли эмаслигини айтиб ўтилган (1-расм).



1- расм. Контрацептив воситаларни қўллайдиган ва улардан фойдаланмайдиган аёлларда соматик турларнинг учраш фоизи.

Тузилишнинг ҳар бир тури кичик турларга ажратилган, бу бўлиниш аёллар аҳолисининг этно-худудий популяциясига тўлиқроқ тавсиф бериш имконини берган. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, лептосом тузилиш учун фақат стенопластик соматотип (10,3%) хос бўлган. Мезосом тузилишга эга аёллар танлови кўпроқ мезопластик соматотип (57,7%) билан намоён бўлган, мегалосом тузилиш аёллари орасида эса–танлов субатлетик соматотип (7,4%) билан намоён бўлган.


Ярхо-Каупе индексининг аниқланиши, контрацептив воситаларни қўллайдиган ва назорат гуруҳидаги аёллар текширилган бутун контингентда индекс тананинг нормал зичлигига мос келиши ва  $2,6 \pm 0,2\%$  ни ташкил қилишини кўрсатган. Тана вазнининг индекси ( $26,2 \pm 0,4\%$ ) нормал тақсимланишга мослигини кўрсатган.

Мезосом тузилишга эга биринчи ва иккинчи етук ёши давридаги аёлларда ёғ компоненти тана вазнининг  $35,3 \pm 1,5\%$  ( $22,1 \pm 1,1$ ); суяк компоненти-  $15,5 \pm 0,5\%$  ( $7,5 \pm 0,3$  кг) қисми тўғри келган. Ёғ компонентининг катталиги мезосом тузилишга эга биринчи ва иккинчи етук ёши давридаги аёлларда лептосом ( $P < 0,01$ ) ва мегалосом тузилишга ( $P > 0,05$ ) эга аёллар билан таққослаганда устунлик қилди, лекин аниқланмаган тузилишга эга биринчи ва иккинчи етук ёши давридаги аёллар билан таққослаганда статистик ( $P < 0,001$ ) аҳамиятга кам даражада эга эканлиги маълум бўлган.

Суяк компоненти лептосом тузилиш билан таққослаганда устунлик қилади ( $P > 0,05$ ), лекин мегалосом ( $P < 0,01$ ) ва аниқланмаган тузилиш ( $P > 0,05$ ) билан таққослаганда кам эканлиги аниқланган.



Шундай қилиб, лептосом тузилишга эга инъекцион контрацептив усулидан фойдаланадиган аёллар орасида ёғ ва суяк тўқималари ўртача миқдордан кўп бўлган паст бўйли тури энг кўп учраши аниқланган (2-расм).



**2-расм.** Турли тузилишга эга, турли контрацептив воситалардан қўлловчи ва назорат гуруҳидаги биринчи етук ёши давридаги аёлларнинг танаси компонент таркиби: 1 – лептосом; 2 – мезосом; 3 – мегалосом; 4 – аниқланмаган.

Тадқиқотлар натижасига кўра, мезопластик соматотипдаги биринчи ва иккинчи етук ёши давридаги аёлларнинг тана узунлиги пикник соматотипга қараганда катта ва мос равишда  $158,2 \pm 0,5$  см ва  $156,5 \pm 0,5$  см ни ташкил қилган ( $P > 0,05$ ). Тана вазни мезопластик соматотипда пикник соматотипдагига қараганда статистик ( $P < 0,01$ ) кам аҳамиятга эгалиги маълум бўлган. Ёғ компоненти пикник соматотипда (тана вазнидан  $58,1 \pm 1,5$  кг;  $35,3 \pm 1,5\%$ ) мезопластик соматотипдагидан (мос равишда тана вазнидан  $56,8 \pm 0,9$ ;  $31,7 \pm 1,5\%$ ) статистик ( $P < 0,001$ ) устунлик қилиши маълум бўлган. Суяк компоненти мезопластик соматотипда ишонарсиз даражада устунлик қилиши аниқланган ( $P > 0,05$ ).

Атлетик ва эурипласт паст соматотипга эга мис таркибли бачадон ичи спиралини қўллайдиган ва назорат гуруҳидаги, биринчи ва иккинчи етук ёши давридаги аёллар деярли бир хил тана вазнига эга ( $P > 0,05$ ) эканлиги. Ёғ компоненти эурипластик соматотипларда устунлик қилиб, уларда деярли бир хил қийматларга эга бўлди ва бошқа соматотиплар ўртасида статистик фарқли аҳамиятга эгалиги аниқланди ( $P < 0,01$ ). Суяк компонентининг катталиги эурипласт баланд соматотипда энг катта ва субатлетик соматотипда – энг кичиклиги маълум бўлди. Ушбу соматотиплар ўртасида барча фарқлар статистик аҳамиятга эга эканлиги исботланган ( $P < 0,01$ ).

Шундай қилиб, атлетик ва субатлетик соматотипларга эга аралаш орал таблетка ичадиган ва назорат гуруҳидаги, биринчи ва иккинчи етук ёши давридаги аёллар учун баланд бўй, ёғ ва суяк компонентларининг ўртача миқдори хослиги; эурипласт соматотипга эга соф прогестинли инъекцион усулдан фойдаланадиган, биринчи ва иккинчи етук ёши давридаги аёлларда ёғ ва суяк компонентларининг юқори таркибга эга эканлиги аниқланган.

Бирорта тузилишга кирмайдиган вакиллар (аниқланмаган тур), ўртача  $166,2 \pm 1,2$  см тана узунлиги,  $59,5 \pm 1,2$  кг тана вазнига эгалиги маълум бўлди.

Тана узунлиги ва вазни лептосом ва мезосом тузилиш вакиллари билан таққослаганда ( $P < 0,01$ ) статистик ишончли устунлик қилган ва мегалосом тузилиш вакиллари билан сезилмас даражада фарқ қилган ( $P > 0,05$ ). Ёғ компоненти аниқланмаган тузилишдаги аёлларда  $22,4 \pm 0,6$  кг (тана вазнидан  $37,5 \pm 1,2\%$ ) га тенг ва лепто-, мезо- ва мегалосом тузилишлар билан таққослаганда статистик аҳамиятли даражада устунлик қилиши аниқланган ( $P < 0,01$ ). Суяк компонентининг катталиги аниқланмаган турда ўрганилган тузилишларни кўп, лекин ушбу фарқ лептосом тузилиш вакиллари билан таққослагандагина статистик аҳамиятли фарққа эга эканлиги маълум бўлган ( $P < 0,01$ ).

Шундай қилиб, аниқланмаган конституционал турга эга, соф прогестонли инъекцион усулни қўллайдиган, биринчи ва иккинчи етук ёш давридаги аёлларнинг бўйлари баланд, суяк тўқималарининг ўртача ва кўп миқдорда ёғ тўқимага эга эканлиги исботланди.

Диссертациянинг «**Биринчи ва иккинчи етук ёши давридаги аёлларда бачадон ва тухумдонларнинг уч ўлчамли ультратовушли анатомияси хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи боби биринчи ва иккинчи етук ёшдаги аёлларнинг аралаш орал таблеткалар, соф прогестин таркибли инъекцион ва мис таркибли бачадон ичи воситаларидан қабул қилиш жараёнида бачадонги индивидуал ўзгаришларга бағишланади.

Тадқиқотлар натижалари аксарият ҳолатларида, аралаш орал таблеткалар, соф прогестинли инъекцион усул ва мис таркибли бачадон ичи спиралидан фойланадиган аёлларда бачадон конфигурацияси танаси олдинга эгилганида (*anteversio*) бачадон кичик чанок бўшлиғида жойлашиши, тана ва бўйинча ўртасидаги бурчак олдинга очилишини кўрсатган. Аралаш орал таблеткалар фойдаланадиган биринчи етук ёшли аёлларда уч ўлчамли ультратовуш текширувида аниқланган бачадон танасининг шакллари орасида ноксимон (52,1%) ва доира (48,2%) шаклидаги бачадон энг кўп учраган. Мис таркибли бачадон ичи воситаси қўллайдиган аёлларда айрим ҳолатларда цилиндр шакли кузатилди (0,7% ҳолат). Текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, иккинчи етук ёшда турли контрацептив воситаларни қўллайдиган ва уларни қўлламайдиган аёлларда бачадон ва унинг қисмларини ўлчамлари ўзининг ёш ва индивидуал хусусиятларига эга эканлиги аниқланган. Бу даврда бачадон танасининг узунлик ва қалинлик кўрсаткичлари контрацептивларни ишлатиш давомида сезиларли ўзгаришларга учраши кузатилган, ҳамда бачадон кенглигининг кўрсаткичи ҳар бир ҳомиладорликда 2,2 мм га статистик ишончли ошиши аниқланган.

Тадқиқотлар натижасида бачадон танасидаги ўзгаришлар индивидуал баҳоланган. Бачадон танасининг узунлиги, кенглиги ва деворининг қалинлик кўрсаткичлари турли вариантлар шакллантирган ҳолда кенг ораликда ўзгарган. Бачадон танасининг узунлик кўрсаткичларини ўзгаришига боғлиқ равишда унинг қуйидаги вариантларини ажратиш мумкин: қисқа (<45,0 мм), бачадоннинг ўртача узунлиги (46,0-55,2 мм) ва узун (>55,2 мм). Мис таркибли бачадон ичи воситасини қўллайдиган 86,4% аёлларда танаси ўртача узунликда бўлган бачадонлар кўп кузатилган, аралаш орал

таблеткаларни қабул қилувчи 7,9% аёлларда узун ва қисқа бачадонлар эса инъекцион усулдан фойдаланадиган 5,7 % аёлларда кузатилган. Назорат гуруҳидаги аёлларда кенг бачадонлар 17,5%, калта бачадонлар 15%ида кузатилган.

Турли контрацептив воситаларни қўллайдиган аёлларда, бачадон танасининг кенглик кўрсаткичлари ҳам ўзгариши аниқланган. Шундай қилиб, тор бачадонлар инъекцион усулларни қўллаган аёлларда (<41,0 мм), ўртача кенгликдаги бачадонлар мис таркибли бачадон ичи спиралидан фойдаланадиган ва назорат гуруҳидаги аёлларда (42,0-48,0 мм), шунингдек аралаш орал таблеткалардан фойдаланадиган аёлларда кенг бачадонлар (>48,0 мм) аниқланган. Кенглиги бўйича ўртача бачадонлар энг кўп учрайди (барча кузатувларнинг 75,8% и), тор бачадонлар – 5,9%, кенг бачадонлар эса кузатувларнинг 18,3% ни ташкил қилган.

Бачадон танаси деворининг қалинлик кўрсаткичларини ўргана туриб, ингичка (<32,4 мм), ўртача қалинликдаги бачадонлар (32,4-48,1 мм) ва қалин бачадонларни (>48,1 мм) ажратиб кўрсатиш мумкин. Энг кўп ўртача қалинликдаги бачадонлар мис таркибли бачадон ичи воситасини қўллайдиган аёлларда (35,8%), инъекцион усулдан фойдаланадиган аёлларда ингичка ва аралаш орал контрацептивдан фойдаланадиган аёлларда қалин бачадонлар учраган, ингичка ва қалин бачадонлар (мос равишда 11,0% ва 10,8%,) деярли бир хил фоизда учраган, назорат гуруҳи аёлларида 10% ўрта қалинликдаги бачадонлар аниқланган.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, турли контрацептив воситалардан қабул қилган аёлларда кўпинча ўртача узунлик, кенглик ва қалинликдаги (мос равишда, 11,7-13,5-8,7%) бачадон, камроқ ҳолатларда – узун, ингичка, қалин ва тор (мос равишда, 12,7-11,2-10,8-9,6 %) бачадонлар кузатилган. уч ўлчамли ултратовушли сканерлашда кичик чаноқ бўшлиғида бачадоннинг энг кенг тарқалган ҳолати антеверсио ва антефлехио ҳолати, бачадон шакллари ичида ноксимон шакл устунлик қилиши аниқланган.

Аралаш орал таблеткалардан фойдаланиш давомида, биринчи ва иккинчи етук ёши давридаги аёлларда бачадон танасининг ўсиши узунлик, кенглик ва қалинлик ўлчамлари ўзгариши кузатилган. Мис таркибли бачадон ичи воситасидан фойдаланадиган биринчи ва иккинчи етук ёшли аёлларда, ҳамда назорат гуруҳидаги аёлларда бачадон танасининг ўсиши узунлик, кенглик ва қалинлик ўлчамларида ўзгариш кузатилмаган.

Соф прогестинли инъекция усулидан фойдаланган биринчи ва иккинчи етук ёшдаги аёлларда бачадоннинг танаси кичрайиши оқибатида бачадон ва бўйни ўртасидаги нисбат мутаносиблигида ўзгариш кузатилган. Бачадоннинг бўйлама, кўндаланг ва қалинлиги сигмал ўзгариши бўйича энг кўп ўрта узунлик, кенглик ва қалинликдаги бачадонлар учради. Кенглик- ва қалинлик-узунлик индексларини эътиборга олганда, бачадоннинг мезометрик шакли устунлик қилган.

**Диссертациянинг «Климактерик ёшдаги аралаш орал таблетка ва соф прогестинли инъекцион контрацептивдан фойдаланувчи аёлларда**

**эндометрийнинг морфологик тавсифи ва кичик чанок веналарининг варикоз кенгайиши ривожланишида эндотелиал дисфункциянинг ўрни»** деб номланган бешинчи боби аралаш орал ва инъекцион усуллардан фойдаланиш давомида иккинчи етук ёшидаги аёлларда тана тузилишининг турини ҳисобга олган ҳолда эндометрийнинг морфологик тавсифисини ўрганиш ва оддий ва кенгайтирилган кольпоскопия усули ёрдамида бачадон бўйни фон касалликларини эрта аниқлаш самарадорлигини оширишга қаратилган. Аралаш орал таблеткалардан фойдаланадиган биринчи ва иккинчи етук ёшидаги аёлларда эндометрий қириндисининг морфологик тадқиқотида эндометрий безларининг ифодаланган гиперпластик безлар билан ўралган жараёнлари аниқланган, уларнинг эпителийси кўп қаторли, алоҳида ҳолатларда эпителийнинг безлар ковагига чиқиш билан кўп қатламлиги маълум бўлган. Стром хужайраларнинг ифодаланган ёки ўчоқли децидуал трансформацияси кузатилган.

Соф прогестинли инъекцияли усулини қўллайдиган, биринчи ва иккинчи етук ёшидаги аёлларда эндометрий бўлаклари гистологик ўрганилганида безлар сонининг камайиши, базал ва функционал қатламларнинг юпқалашиши, строма хужайраларининг нотекис децидуализацияси, айрим безларнинг тинч ҳолати билан тавсифланадиган, асосан гипопластик ўзгаришлар аниқланган.

Тадқиқотлар натижаси бўйича уч ўлчамли ултратовуш ва морфологик тадқиқотлар натижасида эндометрийнинг кўпчилик экстрагенитал патологиялари мавжуд аёлларда эндометрий гиперплазияси ва полиплари кўринишидаги патологик трансформацияси аниқланган, асосий гуруҳда – 45,4% кузатувлар, таққослаш гуруҳида – фақат 5,2% да. Эндометрийнинг гипопластик ўзгариши фақат асосий текширув гуруҳидаги соф прогестинли инъекцион контрацептивдан фойдаланган аёлларда ўринли бўлган. Бачадон эндометрий гипоплазияси назорат гуруҳида климактерик ёшдаги аёлларнинг 3,2%да кузатилган. Назорат гуруҳидаги ва мисга эга бачадон ичи контрацептив воситаларидан фойдаланган аёлларда эндометрийда патологик ўзгариш аниқланмаган.

Эндометрий полипларининг морфологик тузилишида барча аёлларда безли (41,1%) ва аралаш полиплар (19,9%) устунлик қилганлигини айтиб ўтиш лозим. Тадқиқотлар олинган натижалар бўйича 98,6% кузатувларда эндометрий полипининг уч ўлчамли ултратовуш ва гистологик материалнинг мос келиши аниқланган.

Шундай қилиб, текширувлар натижасига кўра аралаш орал таблеткалар ва соф прогестерон таркибли инъекцион контрацептив воситалардан фойдаландиган аёлларда эндометрийнинг морфологик ўзгаришлари менструал циклнинг эрта пролифератив фазасига кўпроқ диагностик аҳамиятга эгаллиги аниқланган.

Климактерик ёшда соф прогестинли инъекцион контрацептивдан фойдаланувчи аёллар гуруҳида гистологик тадқиқотларнинг кўрсаткичлари эндометрий безларининг гипоплазияси, базал қатламнинг юпқалашиши ва аралаш орал таблеткаларни қўлловчи текширилган аёлларда ифодаланган

децидуал метаморфоз билан безларнинг кескин гиперплазияси билан кузатилди, буни тухумдонлар функциясининг гормонал бузилишлари билан боғлаш мумкин.

Шунингдек гистологик тадқиқот усуллари билан бир қаторда цитологик тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилган, унга иккинчи ўрта ёш давридаги турли контрацептив воситалардан фойдаланувчи 80 нафар аёллар киритилган. Постменопауза бир йил давомида менструациянинг йўқлиги ва қон зардобиди фолликулани стимулловчи гормонининг 40 мМЕ/мл дан кўтарилиши аниқланган ва аёллар ҳар йили кузатилган. Ўрта ёшнинг иккинчи давридаги аёллар режали цитологик тадқиқот учун постменопауза аломатлари билан, ёки бошқа ихтисослашмаган кўрсаткичлар бўйича келишган. Аёлларга режалаштирилаётган ишнинг мақсади тушунтирилган ва иштирок этишга розилик билдирган барча аёллар тадқиқотга киритилган. Якуний таҳлил кузатув дастурини бажарган, иккинчи ўрта ёш давридаги 80 нафар аёлнинг маълумотлари асосида бажарилган.

Цитологик тадқиқот учун бачадон бўйнидан шиллиқ суртма изларини олиш ва суртмаларни чўтка ёрдамида олиш йўли билан Папаниколуа тести ўтказилган. Ёғсизлантирилган ва олдиндан спирт билан артилган предмет шишаларига чўтка билан бачадон бўйни ва цервикал каналнинг бўйин порциясидан шиллиқ бир қатлам билан чўтка ёрдамида сурилган. Олинган суртмалар Романовский–Гимза усули бўйича, шунингдек, ОГ-6, гематоксилин ва эозин билан бўялган. Аралаш орал таблеткалардан фойдаланадиган, иккинчи етук ёш давридаги аёлларнинг суртмалари цитологик ўрганилиши натижасида эрозив ўзгаришлар, безли хужайралар, текис эпителий хужайралари ядросининг гиперхромияси билан енгил даражада дискариоз аниқланган. Шунингдек айрим ҳолатларда эпителийнинг дағаллашган хужайралари аралашмаси билан, кўпроқ лейкоцитар инфилтрацияда бачадон бўйни шиллиғининг диффуз ёки ўчоқли яллиғланиш аломатлари аниқланган. Натижалар гормонал контрацепциядан фойдаланмайдиган, постменопаузада иккинчи ўрта ёш давридаги 40 нафар аёлларнинг маълумотлари билан таққосланган (назорат гуруҳи). Бу аёллар эндометрий саратони ривожланишининг хавф омилларидан бири борлиги ёки йўқлигига қараб кам ёки юқори хавф кичик гуруҳларига бўлинган. Хавф омиллари ўз ичига: қандли диабет, артериал гипертензия, семизлик (тана вазни индекслари), оилавий анамнез, тухумдонлар поликистоз синдроми, эндометрий хужайралари – олинадиган суртмаларда нормал ёки патологик, анамнезида хомиладорлик бўлмаганлигини олган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасига асосан, бачадон бўйни ўзгаришини цитологик ўрганишдан олинган натижалар соф прогестин таркибли инъекцион контрацептивдан фойдаланадиган, биринчи ва иккинчи етук ёшидаги аёлларда морфологик ўзгаришлар билан таққослаганда аралаш орал контрацептивни қўллайдиган, иккинчи ўрта ёш давридаги аёлларда дисплазия ва эрозив жараёнлар фониди саратон олди жараёнларнинг ривожланиш хавфи ўсганлигидан далолат берганлиги аниқланган.

Бачадон бўйни фон касалликлари эрта ташхис қилишда кольпоскопия муҳим усул ҳисобланади. Кольпоскопия оилавий поликлиникада, гинекология бўлимида шунингдек, ихтисослашган онкология бўлимида бачадон бўйни касалликларига аниқ диагноз қўйиш ва ўз вақтида самарали даво ўтказишда муҳим ҳисобланаган.

Бачадон бўйни фон касалликларини эрта аниқлаш ва ташхислашнинг энг самарали усуллари бўлиб батафсил йиғилган анамнез, кенгайтирилган кольпоскопия, Папаниколау ва қин суртмасини бактериоскопик текшириш усуллари ҳисобланади.

Диссертациянинг «Климактерик ёшдаги аралаш орал таблетка ва соф прогестинли инъекцион контрацептивдан фойдаланувчи аёлларда кичик чаноқ веналарининг варикоз кенгайиши ривожланишида эндотелиал дисфункциянинг ўрни» деб номланган бу кичик бобда гормонал контрацепциянинг бачадон, тухумдон ва чаноқ веналарига салбий таъсири муҳокама қилинган. Тадқиқотга асосий гуруҳдаги климаткерик ёшдаги аралаш орал таркибли таблеткалар ва соф прогестин таркибли инъекцион усулдан фойдаланадиган 80 нафар аёл киритилган. Аёлларни тадқиқотга киритиш мезонлари бўлиб чаноқ ва оёқларда венанинг уйғунлашган варикоз трансформацияси, ултратовушли ангиосканерлаш натижалари бўйича кўрсатилган томирларнинг клапан танқислиги мавжудлиги хизмат қилган.

Истисно қилиш мезонлари сифатида оёқларда чаноқ ичи веналар патологик жараёнга жалб бўлмасдан веналарнинг изоляцияли кенгайиши, ҳомиладорлик, варикотромбофлебита, чаноқ веналари, оёқларда чуқур веналарнинг тромбози кўриб чиқилган. Бу муаммонинг катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ва аёлларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган диагностика ва даволаш усуллари қўллаш заруриятини кўрсатган.

Чаноқнинг варикоз касаллиги қуйидаги клиник аломатлар билан кузатилган: касалликнинг сурункали кечиши—15 (18,7%) аёллар, коитал ва посткоитал оғриқлар—18 (22,5%) аёл, гипогастрал соҳада оғирлик ва ноқулайлик – 12 (15,1%) аёл, вулвар варикоз – 14 (17,5%) аёллар. Касалликнинг аломатларсиз кечиши 21 (26,2%) аёлда аниқланган.

Кичик чаноқ веналари варикоз касаллиги оёқларнинг клиник манифестланган варикоз касаллиги билан уйғунлашган. У 11 (13,7%) нафар аёлнинг оёқларида варикоз синдроми, оёқлардаги оғирлик ва юқори чарчоқ – 19 (23,7%), оёқларда оғриқ – 17 (21,2%), болдир шиши – 14 (17,5%) билан характерланган.

Ташқи жинсий аъзолар, чот, соннинг орт ва ички юзаси варикоз веналари пелвио-перинеал рефлюкснинг клиник намоён бўлиши сифатида хизмат қилди. Варикоз веналарнинг бундай жойлашуви 13 нафар (16,2%) аёлда аниқланган.

Мазкур тадқиқотда ултратовушли ташхис шифокорлари олдида ултратовушли узатгич ёрдамида сон кенгайган венасининг ички қовурға ва қорин ўртасидаги венанинг қандайдир оқими билан бевосита боғлиқлигини

“кузатиш” вазифаси кўймадик, пелвио-перинеал веноз рефлюкс мавжудлигини констатациялаш учун эса анатомик йўналишларга таянилган.

Тадқиқот давомида вулвар ва чот веналарида варикоз ўзгаришлар диаметри баҳоланган, уларнинг ички қовурға ва қорин ўртасидаги веналарнинг оқими билан алоқаси белгиланган.

Варикоз веналарининг сон юқори қисми учдан бир юзаси бўйлаб ёки думбаларда жойлашуви пастки думба венаси бўйича, ташқи жинсий аъзолардаги эса – ички уят венаси бўйлаб, чот ва сон юқори қисмининг учдан бир ички юзаси бўйлаб жойлашуви – бекитувчи вена бўйлаб чаноқ рефлюксидан гувоҳлик берган. Ички қовурға ва қорин ўртасидаги венанинг кўрсатилган оқимларининг визуализацияси шарт бўлмаган, чунки уларда ҳеч қандай жарроҳлик амалиёти кўзда тутилмаган. Тадқиқотлар барча аёлларга контрацепцияга қадар ва кейин 6,12,18 ойдан кейин такроран ўтказилган.

Тадқиқотнинг тақдим қилинган нур усуллар комплекси чаноқ, чот ва оёқларда вена ҳолатини барча томонлама ўрганиш, эстроген ва гестагенлардан фойдаланиб ўтказилган аралаш орал таркибли таблетка ва соф прогестинли инъекцион контрацептив натижасида веноз тизимида ўзгаришлар динамикасини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқотнинг клиник ва ускунавий усуллари натижалари асосида барча аёллар 3 гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга параметрал, чап гонад ва оёқларнинг юза веналари кенгайган ва қон рефлюксига эга кичик чаноқ вена варикоз касаллиги симптомсиз шакли ва клиник манифестланган оёқ венаси варикоз касаллигига эга 24 нафар аёл киритилган. Иккинчи гуруҳга – параметрал, бачадон чап гонад ва катта тери ости веналари кенгайган ва қон рефлюксига эга кичик чаноқ вена варикоз касаллиги ва оёқ венаси варикоз касаллиги клиник аломатларига эга 9 нафар аёл кирган. Учинчи гуруҳга – параметрал веналар, бачадон, вулвар, оёқларнинг юзадаги веналари кенгайган ва қон рефлюксига эга кичик чаноқ вена варикоз касаллиги симптомлари ёки уларсиз ҳамда оёқ венаси варикоз касаллигига эга 47 нафар аёл кирган.

Кичик чаноқ вена варикоз ва оёқ венаси варикоз касаллиги уйғунлигида фармакотерапия усулининг асоси сифатида 1000 мг/сут дозада микронлаштирилган диосминдан фойдаланиб флеботроп даволаш қўлланилган. Препаратни қабул қилиш давомийлиги 2 ойни ташкил этган.

Барча аёлларда умумий клиник текширувдан ташқари қоннинг гемореологик хоссалари ўрганилган. Эндотелиал дисфункция эндотелиал дисфункция маркерлар даражасини аниқлаш йўли билан баҳоланган: Рселектин, Э-селектин, тўқимали плазминоген активатори, эндотелин-1, 1-турдаги томирли эндотелий адгезиясининг молекулалари (sVCAM-1-soluble vascular cellular molecula), циркуляцияланган эндотелиал ҳужайралар. Ушбу кўрсаткичлар барча 80 нафар аёлда ўрганилган (контрацепциягача, 2 ва 6 ой дан сўнг). Тадқиқотда шунингдек вулванинг варикоз венасидан ( $34,03 \pm 7,1\%$ ) олинган қон билан таққослаганда тизимли қон оқимида ( $35,5 \pm 8,9\%$ ) лимфоцитларнинг юқори миқдорига олиб келиши аниқланган, бу статистик ишончли кўрсаткич бўлган ( $P < 0,05$ ). Олинган натижаларни кичик чаноқ вена

варикоз касаллигида яллиғланиш жараёнида шарт компонент сифатида иммунокомпетент ҳужайраларнинг бир нечта турлари, энг аввало, моноцитлар, Т- ва В-лимфоцитлар жалб қилиниши билан тушунтириш мумкин. Уларнинг юзасида томир ҳужайралари молекулаларининг ҳаддан ортиқ экспрессиясида (VCAM-1) уларнинг фаоллашган эндотелтал ҳужайрага ёпишиши содир бўлади. Веноз девор яллиғланишида асосий рол моноцит/макрофагларга тегишли. Улар барча лейкоцитларнинг 10% гача ташкил қилади, 100 дан ортиқ биологик фаол моддаларни секретловчи мононуклеар фагоцитларнинг ҳужайра чизиқ-тизимига киради.

Тирсак венасидан ( $7,33 \pm 2,2\%$ ) олинган қон билан таққослаганда вулва ( $6,3 \pm 2,4\%$ ) варикоз веналаридаги қонда моноцитлар миқдорининг камайишини кузатилган ( $P < 0,05$ ). Бу салбий шароитларда (гипокция, қон оқимининг ёмонлашуви ва ҳоказо) варикоз веналарнинг эндотелийси мазкур ҳолатда моноцит/макрофаг тизимини функционал қайта тақсимланиши билан мононуклеар фагоцитларнинг кучайган дифференциацияси томонига силжишига олиб келган ҳолда кўплаб патологик жараёнларнинг модулятори бўлиши билан боғлиқ. Шундай қилиб, адгезиянинг эндотелиал молекулалари қон моноцитлари ва лимфоцитлари билан ўзига хос ва мустаҳкам боғланади, томирларнинг субэндотелиал соҳасига махсус омилларнинг таъсири остида бу ҳужайраларнинг кейинги дифференциацияланган миграция асоси ҳисобланади. Эозинофил ва базофилларнинг миқдори вулва ва тирсак веналари варикоз веналаридан олинган қон намуналарида фарқ қилмаган. Олинган натижалар статистик ишончли бўлмади ( $P > 0,05$ ). Вулва ва тирсак варикоз веналаридан олинган қон намуналарини чуқур ўрганилиши натижасида эритроцитлар миқдори деярли ўзгаришсиз қолган ( $P < 0,05$ ). Тирсак венасидан олинган қон билан таққослаганда ( $132,3 \pm 14,5$  г/л) вулва варикоз венасидан ( $126,4 \pm 17$  г/л) олинган қонда гемоглобин концентрацияси камайиши кузатилган. Гематокрит даражаси шунингдек варикоз венадан олинган қон намунасида ишончли паст бўлган. Гематокрит барча шакли элементларнинг (эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар) қоннинг умумий ҳажмига нисбат кўрсаткичи ҳисобланишини эътиборга олиб, олинган натижаларни варикоз венада лейкоцитлар ва тромбоцитлар эндотелий функциясининг бузилиши билан томир деворининг патогенетик трансформациясига жалб қилинганлиги билан тушунтириш мумкин.

Контрацепцияда фойдаланиладиган турли гормонал воситаларнинг эндотелийнинг функционал ҳолат динамикасига таъсири кичик чанок вена варикоз касалигига эга 92 нафар аёлда ўрганилди. Бу аёллар кичик чанок вена варикоз касалигига эга ва контрацепция мақсадида эстрогенлар ва гестагенлар олган аёллар гуруҳини ташкил қилган.

Қўлланилган воситаларнинг турига боғлиқ равишда аёллар икки кичик гуруҳларга бўлинган. 1-кичик гуруҳга ( $n=50$ ) эстрогенлардан фойдаланган аёллар, 2-гуруҳга ( $n=42$ ) – гестагенлардан фойдаланган аёллар киритилган. Соғлом аёллар сони 30 нафарни ташкил қилган (назорат гуруҳи).

Олинган натижалар таҳлил қилинганда икки кичик гуруҳларда мос



равишда эндотелиал хужайранинг назорат қийматларига дастлабки яқин кўрсаткичлар  $5,02 \pm 1,8$  хужайралар  $\times 10^4/\text{л}$  ва  $4,3 \pm 0,5$  хужайралар  $\times 10^4/\text{л}$  аниқланган. Контрацептивлардан фойдалангандан сўнг 3 ой ўтиб бу кўрсаткичнинг 1-кичик гуруҳда  $7,89 \pm 2,7$  хужайралар  $\times 10^4/\text{л}$  ва 2-кичик гуруҳда  $7,2 \pm 2,1$  хужайралар  $\times 10^4/\text{л}$  гача ўсиши кузатилган ( $P > 0,05$ ). Контрацептивлардан фойдаланиш бошланганидан 6 ой ўтиб бу кўрсаткичнинг 1-кичик гуруҳда  $10,8 \pm 4,3$  хужайралар  $\times 10^4/\text{л}$  гача 2-кичик гуруҳда  $9,6 \pm 3,2$  хужайралар  $\times 10^4/\text{л}$  гача ўсиш аниқланган ( $p > 0,05$ ). Кичик гуруҳлар ўртасида ишончли фарқ мавжуд эмас. Гормонал воситалардан фойдалангандан сўнг эндотелиал хужайранинг ўсиши бошқа веналарга тарқаладиган хужайралар эндотелиал пластининг бутунлиги бузилиши билан боғлиқлиги маълум бўлган. Ўтказилган контрацепциядан 6 ой ўтиб эндотелиал хужайра микдори деярли нормага мос бўлди, ушбу кўрсаткичнинг 1-гуруҳда  $10,8 \pm 4,3$  хужайралар  $\times 10^4/\text{л}$  гача ва 2-кичик гуруҳда  $9,6 \pm 3,2$  хужайралар  $\times 10^4/\text{л}$  гача ошиши кузатилган.

Эндотелиал хужайра сони маълумотлари бўйича эндотелемия даражаси эстрогенларга эга контрацептивлардан фойдалангандан сўнг сезилмас даражада юқори бўлган ( $P > 0,05$ ), буни эстрогенлардан фойдаланилганда эндотелийга катта таъсири, эндотелиал хужайра ажралиши ва уларнинг қон оқимида кейинчалик эркин циркуляцияланиши билан тушунтириш мумкин. VCAM-1 концентрацияси билан иккала гуруҳда ўхшаш сурат кузатилган. 1-кичик гуруҳда  $299,6 \pm 83,8$  нг/мл ва 2-кичик гуруҳда  $251,8 \pm 86,9$  нг/мл гача дастлабки кўтарилган даражада, контрацептивлардан фойдаланиш бошланганидан 2 ой ўтиб VCAM-1 концентрациясининг ифодали ажралиши аниқланган. 1-кичик гуруҳда  $367,2 \pm 76,2$  нг/мл гача ва иккинчи кичик гуруҳда  $357,6 \pm 66,3$  нг/мл гача. Яллиғланиш реакцияси контрацептив воситалардан фойдаланишдан 6 ой ўтиб кўпроқ ифодаланган, бу ҳақида VCAM-1 нинг статистик ишончли паст кўрсаткичлари дарак берган. Контрацепциядан сўнг мазкур маркернинг юқори концентрацияси шунингдек эндотелий хужайраларига лейкоцитлар адгезиясининг кучайишидан гувоҳлик қилади ва томирлар эндотелийсига эстрогенлар ва прогестинлар таъсирининг акси ҳисобланади.

Эстрогенлар ва прогестинлар қабул қилинишни ўз ичига олувчи контрацептивлардан фойдаланилгандан 6 ой ўтиб VCAM-1 кўрсаткичлари 2 кичик гуруҳда сезиларли даражада кўтарилган, мос равишда  $460,9 \pm 74$  нг/мл ва  $477,7 \pm 77,4$  нг/мл қийматларга яқинлашди ( $P < 0,05$ ). Шунини айтиб ўтиш керакки, прогестинлардан (2-кичик гуруҳ) фойдаланилгандан сўнг аёлларда VCAM-1 концентрацияси ишончли юқори бўлган  $477,7 \pm 77,4$  нг/мл, буни прогестин веналари эндотелий функциясига амалий салбий таъсири тасдиқлайган. Контрацептив воситалардан фойдаланишгача P- ва E-селектинларнинг концентрацияси дастлаб назорат гуруҳининг кўрсаткичларига яқин бўлди ( $P < 0,05$ ). Контрацептивлардан фойдаланиш давомидан сўнг мазкур кўрсаткичларнинг кўтарилиш тенденцияси кузатилган. Терапиядан 6 ой ўтиб P-селектин қийматларининг  $191,9 \pm 35,7$  гача кўтарилиши

ва E-селектин концентрациясининг  $48,5 \pm 10,8$  гача ошиши кузатилган. P- ва E-селектинларнинг эндотелий юзасига эстрогенлар ва гестагенлар таъсири натижасида кўтарилади. Ҳам кичик чаноқ веналари варикоз касаллигида, ҳам гормонал воситаларидан фойдаланишга жавобан веналар эндотелийсида яллиғланиш реакциялари каскадининг бошланғич босқичини таъминлаб, уларнинг миқдори ортади ва лейкоцитлар турғун адгезиясининг 2-фазаси бошланади, бу контрацепциядан фойдаландан 2 ой ўтиб содир бўлади. Олинган натижалар томир оқими эндотелиоцитларида содир бўладиган сезиларли ўзгаришлар ва гормонал воситалардан фойдаланилганда флебогемодинамика бузилишидан гувоҳлик қилган.

Гормонал таркибли контрацептивлардан фойдаланишдан олдин ва кейин эндотелин-1 ва тўқима плазминогенининг концентрациясидаги фарқи сезилмас даражада бўлган ( $P > 0,05$ ). Лекин бирламчи аниқланишда уларнинг концентрацияси иккала кичик гуруҳда назорат гуруҳи билан таққослаганда паст бўлган. Бу эндотелий функционал фаоллигининг пасайиши, ивитиш тизими фаоллигининг заифлашишидан гувоҳлик қилган.

Хулоса қилиб, кичик чаноқ венаси варикоз касаллиги эстроген ва гестагенлардан фойдаланишнинг турли муддатларида (эндотелиал хужайра, VCAM-1, P-селектин, E-селектин, эндотелин-1) маркерлар динамикасида ўтказилган таҳлил эндотелий дисфункциясининг ифодаланганлик даражасидан гувоҳлик қилган ва касалликнинг сурункали кечувида веналар варикоз трансформациясининг жараёнлари фаоллашувини баҳолаш маркери бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу поливалент таъсирга эга флеботроп препаратлардан фойдаланиб даволаш коррекция чораларини ўз вақтида ўтказиш ва КЧВВК жадаллашувини башорат қилиш имконини берган.

Мазкур ишда клиник-лаборатор материалда веналар эндотелийси фаолиятининг бузилишида ҳосил бўладиган яллиғланиш элементининг ўрни ишончли кўрсатилган. Варикоз веналар даражасида “лейкоцитар қопқон” мавжудлиги гипотезаси тасдиқланган, маҳаллий даражада эндотелиал қоплама тизимида “бузилиш” клиник-лаборатор даражада яққол кўрсатилган, VCAM-1 экспрессияси орал контрацепция мақсадида гормонал воситаларнинг икки туридан фойдаланишда (эстроген ва гестагенлар) кичик чаноқ венаси варикоз касаллигига эга аёлларда эндотелий фаоллашувини исботланган.

Кичик чаноқ венаси варикоз касаллигида эндотелий дисфункцияси ривожланиши эндотелиал хужайра миқдори ва биокимёвий маркерлар (VCAM-1, P- ва E-селектинлар) даражасининг ошиши билан тавсифланган. эндотелиал хужайра даражасининг  $5,7 \times 10^4$ /л хужайралар, VCAM-1 даражасининг - 300 нг/мл, P-селектин даражасининг -170 нг/мл ва E-селектиннинг даражаси - 50 нг/мл дан ошиши эндотелий дисфункция ривожланишини тасдиқланган. Кичик чаноқ венаси варикоз касаллигига эга аёлларда бу маркерлардан контрацепция қўллаш давомида эндотелийнинг функционал ҳолатини баҳолашда қўшимча ташхислаш мезон сифатида фойдаланиш, тромбоз эмболик асоратларнинг олдини олиш мақсадида кичик чаноқ ва оёқларнинг веноз тизимида ривожланаётган ўзгаришларни ўз вақтида

коррекциялаш имконини берган.

## ХУЛОСА

1. Аёлларнинг соматик тури ва бўйи бўйича тақсимланишида энг кўп долихоморф -54,3% ва брахиморф-28,8% ва энг кам мезоморф-16,9% гуруҳларга тақсимланди. Аёлларнинг тана тузилишида конституционал ўзларишлари бўйича: мезопластик тузилиш вакиллари энг кўп учрашини кўрсатди (57,7%): эурипластик узун лептосом тузилишга эга аёллар текширилган аёлларнинг умумий сонидан 11,5%; стенопластик – 10,2%, пикник–9,2%, субатлетик –7,4%, атлетик–4,7%, эурипластик паст –3,8% ташкил қилди, 5,4% аёллар келтирилган тузилишнинг бирорта турига тегишли эмаслиги аниқ бўлди.

2. Биринчи ва иккинчи етук ёшдаги аёллар 44,4% нормал чанок шаклига эга, қолган 55,6% ҳолларда тор чанокнинг 5 та шаклларида бири мавжуд. Тор чанокнинг турли шакллари лептосомал конституцияли (12,6%) аёлларда 82,3%, мезосом конституция (6,2%) билан – 67,5%, мегалосомал конституцияли (71,8%) аёлларда 48,4% ва ноаниқ конституцияли (8,5%) аёлларда 38,3% ҳолларда аниқланди.

3. Тана массаси индексининг максимал қийматлари баланд бўйли мезоморф, баланд бўйли брахиморф ва ўрта бўйли брахиморф аёлларда, минимал кўрсаткичлари паст бўйли брахиморф, паст бўйли мезоморф ва паст бўйли долихоморф аёлларда қайд қилинди. Чанок кенглиги индексини қиёсий баҳолаш бу кўрсаткичнинг максимал қиймати брахиморф тана тузилишига эга барча бўй гуруҳларида (баланд бўйлида  $17,3 \pm 0,4$ , ўрта бўйлида  $16,8 \pm 0,7$  ва паст бўйлида  $18,1 \pm 0,5$ ) қайд қилинди, ушбу кўрсаткичнинг минимал қиймати эса долихоморф соматотипига эга (баланд бўйлида  $16,8 \pm 0,2$ , ўрта бўйлида  $16,7 \pm 0,2$  ва паст бўйлида  $15,8 \pm 0,2$ ) аёлларда аниқланди.

4. Бачадон индексларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг турли конституциявий турларда учрашининг қуйидаги фоизи аниқланди: мегалосом конституцияда - мезометрик - 49,9%, долихометрик - 8,7%, брахиметрик - 5,9%, лептометрик - 3,6%, пахиметрик - 5,5%; мезосом конституцияда - мезометрик - 8,2%, лептометрик и пахиметрик - 1,2%-1,3%; лептосом конституцияда - мезометрик - 9,1%, долихометрик - 1,2%, брахиметрик - 0,7%, лептометрик - 2,2%, пахиметрик - 1,3%; аниқланмаган конституцияда - мезометрик - 9,9%, долихометрик - 1,8%, лептометрик - 2,6%.

5. Етук ёшнинг биринчи ва иккинчи давридаги аёллар аралаш орал ва иъекцион контрацептивни қўллаш жараёнида тухумдонлар ҳажми ва шакли бўйича икки томонлама фарқлар билан ажралиб туради. Қалта (4,0%) ўнг ва (3,6%), чап, узун (3,2% ўнг ва 4,0%), чап, кенг (12,3 % ўнг ва 2,9% чап) ва юпқа тухумдонлар ( 3,3% ўнг ва 4,8% чап) чап, қалин (2,9% ўнг ва 3,3%, чап) - ўнг ва тор - (3,6% ўнг ва 4,4% чап) тухумдонлар аниқланди. Кенглик ва қалин-узунлик индексларини ҳисобга мезоовариал тухумдонлар (73,2-79,5% ўнг ва 82,4-81,7%) чап; долихо-(13,2% ўнг и 13,6% чап) и брахиовариал (6,1% ўнг ва

11,5% чап) - ўнг, а лепто- (3,1% ўнг ва 4,6% чап) ва пахиовариал (16,6% ўнг ва 13,7% чап) учрайди.

6. Тадқиқотлардан олинган натижалар бўйича 98,6% кузатувларда эндометрий полипининг уч ўлчамли ултратовуш ва гистологик текширув материалнинг тўла мос келиши тасдиқланди.

7. Гормонал контрацепция қўллаш давомида эндотелий дисфункцияси ривожланиши эндотелиал хужайралар миқдори ва биокимёвий маркерлар (VCAM-1, P- ва E-селектинлар) даражасининг ортиши билан тасдиқланади (эндотелиал хужайра даражасининг  $5,7 \times 10^4$ /л хужайра, VCAM-1 даражасининг - 300 нг/мл, P-селектин даражасининг -170 нг/мл ва E-селектиннинг даражаси - 50 нг/мл дан ортиши).

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ХАМДАМОВА МУХАЙЁХОН ТУХТАСИНОВНА**

**СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА УЛЬТРАЗВУКОВОЙ  
АНАТОМИИ МАТКИ И ЯИЧНИКОВ ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ  
РАЗЛИЧНЫХ СРЕДСТВ КОНТРАЦЕПЦИИ**

**14.00.02 – Морфология  
14.00.01 – Акушерство и гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2020**

Тема докторской диссертации зарегистрирована в высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.DSc/Tib479.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научные консультанты	<b>Тешаев Шухрат Жумаевич</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Ихтиярова Гулчехра Акмаловна</b> доктор медицинских наук
Официальные оппоненты	<b>Доброхотова Юлия Эдуардовна</b> доктор медицинских наук, профессор (Российская Федерация) <b>Миршарапов Уткур Миршарапович</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Расулов Хамидулла Абдуллаевич</b> доктор медицинских наук
Ведущая организация	Южно-Казахстанская медицинская академия (Республика Казахстан)

Защита диссертации состоится «28 XII» 2020 г. в 12<sup>30</sup> часов на заседании разового Научного на основе совета при Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте. Адрес: 200118, Бухара, улица А. Наваи, дом 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50, e-mail: bsmi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института. (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). Адрес: 200118, Бухара, улица А.Наваи, дом 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «  » \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 31 от «17» XII 2020 года).

**А.Ш.Иноят**

Председатель разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

**Д.Н. Ачилова**

Ученый секретарь разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

**Н.А.Нуралиев**

Председатель научного семинара на основе разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время ультразвуковые исследования применяются не только в технической области, но и в различных областях медицины, в том числе и в гинекологической практике, для получения сканограмм органов малого таза. В связи с развитием новых направлений в точной диагностике заболеваний внутренних половых органов женщин репродуктивного возраста возникла необходимость детального изучения данных ультразвуковой морфометрии о размерах, форме матки и яичников женщин, использующих различные противозачаточные средства. Так, в гинекологической практике «...первичными методами визуализации являются трансабдоминальное и трансвагинальное УЗИ, а к дополнительным относятся: трехмерное УЗИ, гистеросальпингография и УЗ-гистеросальпингография, магнитно-резонансная томография, рентгеновская компьютерная томография.....»<sup>1</sup>. У женщин в зависимости от фазы менструального цикла определяется выраженное изменение размеров матки, в начале секреторной фазы определяется, что матка имеет наименьший размер, а непосредственно перед менструацией-наибольший размер, а с другой стороны, в зависимости от фаз менструального цикла определяется, что существует меньший размер матки. Однако «...только в климактерическом цикле размеров матки обнаруживается увеличение лютеиновой фазы и уменьшение матки с наступлением менопаузы...»<sup>2</sup>.

В мировом масштабе проводятся ряд научных исследований, направленные на совершенствовании диагностики сравнительных особенностей ультразвуковой анатомии матки и яичников женщин с использованием различных противозачаточных средств. В связи с этим первый и второй зрелый возрастной период базируется на учёте параметров таза, учёте строения тела у женщин, использующих различные формы контрацептивов. Она заключается в оценке морфометрических показателей матки и яичников у женщин первого и второго периода зрелого возраста с использованием чистого прогестинового инъекционного контрацептива с использованием морфометрических параметров матки и яичников, а также продольного и поперечного ультразвукового сканирования с учётом строения их тела. Особое значение имеет оценка особенностей размеров матки и яичников у женщин первого и второго зрелого возраста, использующих внутриматочные контрацептивы, и разработка эффективной системы диагностики.

На сегодняшний день коренное улучшение системы здравоохранения в Республике Узбекистан направлено на приведение медицинской системы к требованиям мировых стандартов здравоохранения, снижению заболеваний женщин репродуктивного возраста в различных регионах нашей страны,

---

<sup>1</sup> Roach Michelle C. et al.,2017; Pinkerton J. Vs., 2020

<sup>2</sup> Ulgim R. R. et al.,2018; Rautzong Megan et al., 2019

ставится цель, определяющих ряд задач «...путем повышения эффективности, качества и популярности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создания эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации, поддержки здорового образа жизни и профилактики заболеваний...»<sup>3</sup>. Эти задачи позволяют повысить уровень оказания современных медицинских услуг, лечения, прогнозирования и профилактики предраковыми заболеваниями матки и яичников у женщин первого и второго зрелого возраста на новый уровень и улучшить применение современных технологий в оказании качественных медицинских услуг.

